

Фарангиз ҮКТАМОВА

# БОЙЧЕЧАГИМ

Шеърлар

МАЖБУРӢ НУСХА

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(55)7-Ўзб. агаф.

УЎК Ўз. 2

КБК 84(5Ўзб)-3

ў 67

*Фарангиз Ўқтамова машқлари болаларча соғ, нағис-туйгуларнинг шеърият шаклидаги ифодасидир. Фикрлар содда самимий, таъсирчан.*

*Ушбу мўъжаз тўпламда Фарангизнинг она Ватанга чексиз муҳаббати, халқига бўлган ҳурмат-эҳтироми жамланган.*

41928  
H 0

9 4702620202-70  
376 (08) 2013

704 -2013



Ф. Ўқтамова, 2013 й.



«Насаф» наприёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-165-6

2013/138	Alisher Navoij nomidagi
A	
10976	O'zbekiston MК

## ЎЗБЕК ҚИЗИ

Биласизми, гўзал қизлар ҳаё билан,  
Оро эмас, тенги йўқ бу ибо билан.  
Шоирларнинг мисралари наво билан,  
Мақтасам ҳам аразигулик ойдай юзи.  
Шу миллатнинг гуруридири ўзбек қизи.

Ибо билан иш қилади ўзбек қизи,  
Ота-она, ака-ука удир юзи.  
Бўлганда ҳам сиз томонда унинг кўзи,  
Мақтасам ҳам арзигулик ойдай юзи.  
Шу миллатнинг гуруридири ўзбек қизи.

Мисра битиб берайинми энди сизга,  
Шеърлар ўқиб берайинми энди сизга.  
Таъриф-тавсиф беролмайман ўзбек қизга,  
Мақтасам ҳам арзигулик ойдай юзи.  
Шу миллатнинг гуруридири ўзбек қизи.

Гарбда борми ўзбек қизи хислатидан,  
Меҳмон қелса кўксида қўли ҳимматидан.  
Деб айтарсиз бу Фарангиз ҳикматидан,  
Мақтасам ҳам арзигулик ойдай юзи.  
Шу миллатнинг гуруридири ўзбек қизи.

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Имконларнинг эшиги,  
Очилгандир биз учун.  
Билимга ташна чанқоқ,  
Зукко ўғил-қиз учун.

Коллеж, лицей, оромгоҳ,  
Қад ростлайди ҳурвиқор.  
Хизматига шай турган,  
Озод ўғил-қизи бор.

Келажакнинг пойdevори,  
Улар, бизлар, сизлардир.  
Ватанга содиқ фарзанд,  
Ташна ўғил-қизлардир.

Ўқинг дея уқтирган,  
Ўтмиши аждодлари.  
Бундан ортиқ баҳт борми,  
Истиқлол фарзандлари.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Юрақдан сен томон бир нидойим бор,  
Меҳримни қандайин этайин изҳор.  
Жуда гўзал бўлар бағрингда баҳор,  
Нурларга тўлганим, азиз бўстоним,  
Ҳеч кимга бермайман Ўзбекистоним.

Таърифингни достонлар айлайин майли,  
Сенга муносиб фарзанд бўламан ҳали.  
Мусаффо гарди йўқ ҳалқимнинг дили,  
Нурларга тўлганим, азиз бўстоним,  
Ҳеч кимга бермайман Ўзбекистоним.

Дунёда тенгсизсан озод қўргоним,  
Муҳаббат ҳамроҳим, қалбда иймоним.  
Улуг аждодларга тўлан осмоним,  
Нурларга тўлганим, азиз бўстоним,  
Ҳеч кимга бермайман Ўзбекистоним.

## СҮНГИ ҚҮНГИРОҚ

Мактаб дарвозасин секин ёпаман,  
Күнглимдан үтади сокин үйларим.  
Энди қайтиб келмаймиз очиқ багрингта,  
Яхши қол, ёшлигим, үтган онларим!

Севинчдан йиглайман күзимдадир ёш,  
Нега бугун сенга шунча боғландим.  
Синфдош дўстларим ога-инимдек,  
Олис келажагим сари чоғландим.

Илтимос, ўтинчим якка-ягона,  
Афсуслар қиласман фойдасиз бироқ.  
Ўзимни озгина тинчлаб олгунча,  
Чалинмай турақол, сұнгти қүнгироқ.

## МУСТАҚИЛЛИК

Мустақиллик улуг неъмат,  
Биз қадрига етайлик.  
Бутун юртим тўй байрами,  
Тўёнасин тутайлик.

Йигирма бир баҳорни,  
Кўрмоқда Ўзбекистон.  
Мустақил, озод юртга,  
Мўътабар, азиз инсон.

Ўтмиш, тарих кўзгуси,  
Келажакда акс этар.  
Ҳали олдда бундан-да,  
Буюк келажак кутар.

Юртда шод-у, хуррамлик,  
Байрамларга улансин.  
Байрогимиз баланд тутиб,  
Мадҳиямиз куйлансин.

## **ЯККАБОГИМ**

Шеър ёзаман сенинг шаънингта,  
Яккабогим, таърифларим оз.  
Қандай сенга ифода этай,  
Онам сенга бўлгандир қиёс.

Сўлим дарё бўйида яна,  
Сочларингни майин тарайсан.  
Яккабогим, гўзал масканим,  
Нега бунча, бунча гўзалсан?

Чинорларинг сояси аро,  
Даво топгай ҳатто bemорлар.  
Шунча ўсдим энди бағрингда,  
Асло бир бор кўрмай озорлар.

Яккабогим, таърифинг топай,  
Туман ичра ёруг чироқсан.  
Қашқадарё воҳаси аро,  
Тенги йўқ бир ягона боғсан!

• • •  
Кўзим ёшга тўлди, онажон,  
Юрак йиглаб тинди, онажон.  
Қалбимда бир галаён туриб,  
Менга нелар бўлди онажон.

Дунёдан кўст топайин дедим,  
Дунёдан дўст топайин дедим.  
Гафлат дарвозасин ёпайин дедим,  
Менга нелар бўлди, онажон?

Садоқатни изладим, йўқдир,  
Назокатни изладим, йўқдир.  
Ўзим ёйман юрагим ўқдир,  
Менга нелар бўлди, онажон?

Кўзим очиб кўрдим дунёни,  
Тополмадим сиздек донони.  
Тузатяпман энди хатони,  
Менга нелар бўлди, онажон.

## УЛҒАЯМАН ЙОРТИМ БАГРИДА

Бахтиёрман кўксимда қалқон,  
Ота-онам ишонч таянчим.  
Хафа бўлса, хафа бўламан,  
Хурсанд бўлса, менинг қувончим.

Кўзим қувнар кўрсам уларни,  
Бобо-бувим менга мададкор.  
Яшаяпман оилас багрида,  
Шод-у хурсанд яна бахтиёр.

Йортлар ичра ягона ўзи,  
Лаҳза ичра оним бор менинг.  
Бутун дунё довругин билган,  
Ўзбек деган номим бор менинг.

## **ИЛТИЖО**

Бугун сизни тушимда күрдим,  
Мадад беринг менга, онажон.  
Келажакда күп орзуларим,  
Оташ беринг менга, онажон.

Орзуларим беҳисоб ҳатто,  
Уммонлардан тошсин сувларим.  
Мен оташман мангу ёнаман,  
Қалбдан чиқсин ёзган шеърларим.

## **МАКТАБИМ**

Онамдай бўлгансан азиз мактабим,  
Тўққиз йил багрингда ўсиб улгайдим.  
Сени ташлаб кетмоқлик нақадар оғир,  
Сўзсиз бош эгодим-у, лекин улгайдим.

Синфдош дўстларим бугун яқиним,  
Кўксимни айрилиқ тиги тилмоқда.  
Юракда изтироб, қалбимда ўкинч,  
Буни фақатгина ўзим билмоқда.

Қанча шўхликларим, қанча қувончим,  
Шу азиз маскан багрида ўтган.  
Меҳрибон устозлар ота-онамдек,  
Меҳр бериб бизга, кафтида тутган.

Устозлар, дўстларим, азиз синфдош,  
Қалбда сўровим бор юракни гашлаб.  
Қанча ҳаракатим бесамар кетар,  
Ҳеч кетгим келмайди мактабни ташлаб.

## ВАТАНИМ БАГРИНГДА

Шамол бўлиб саҳройингни кезайин,  
Булбул бўлиб гулларингта қўнайин.  
Ниҳол бўлиб тупрогингда унайин,  
Бахтиёрман, азиз ватан, бағрингда.

Ёмғир бўлиб мен далангда ёғайин,  
Шалоладек тогларингда тошайин.  
Қуёш бўлиб кулиб сенга боқайин,  
Бахтиёрман, азиз ватан, бағрингда.

Баҳор бўлиб доим яшнаб келайин,  
Тонг саҳарда сабодайин елайин.  
Меҳр бериб соchlарингни силайин,  
Бахтиёрман, азиз ватан, бағрингда.

Не бўлсам ҳам сенинг бағрингда,  
Қучоқ-қучоқ гулларинг терайин.  
Ота-онам яқинларим ёнида,  
Ўша эрка қизинг бўлиб қолайин.

## **ЛАЙЛАК ҚОР**

Салом сенга оппоқ қор,  
Салом сенга лайлак қор.  
Қулогингни тутуб тур.  
Шошма, сенга гапим бор.

Орзу умидлар билан,  
Ёғавергин лайлак қор.  
Хуррам этиб күнгилни,  
Шошма, сенга гапим бор.

Барча умид- истаклар,  
Сендаидир эй лайлак қор.  
Үраб оппоқ чойшаб-ла,  
Шошма, сенда гапим бор.

## **ОНАЖОН**

Юрсангиз гар йўлингизга пояндозман,  
Сиздан бўлак йўқдир менинг меҳрибоним.  
Шунча дардни ютавериб бугун яна,  
Юзингизга ажин тушди онажоним.

Бўғзимга хўп тиқилганда аччиқ жоним  
Югурасиз билмоқ учун менинг ҳолим  
Шукроналар айтайин мен оллоҳимга,  
Ахир сиз бор меҳрибоним онажоним.

## COBFA

Дадам совға қилған қуёнча,  
Митти-митти болалар күрди.  
Қувонишиб құшни болалар,  
Қуёнчамни күргани келди.

Оқ қуёним поклик рамзиdir.  
Күк ранг менга беради мадад.  
Қора, ола қуёним күрсам,  
Ишларимга келади омад.

Қора рангни қаршилолмайман,  
Оқми-қора оддий ранг булар.  
Харакат-у доим интилиш,  
Инсонларга фақат баҳт берар.

\* \* \*

Илк устозим сизсиз, бувижон,  
Йўлингиздан бормоқ орзуим.  
Сизнинг учун ҳатто бир умр,  
Бу деб атай “ҳикматли сўзим”.

Меҳрибоним, доим жонкуяр,  
Бувижоним менинг қувончим.  
Шундай улуг париларим бор,  
Оқлайманда улар ишончин.

Сўзларидан мисли бол томар,  
Мени севиб кафтида тутган.  
“Ўригидан мағзи ширин” деб,  
Келармикан болам деб кутган.

Ота-онанг ишончисан сен,  
Умидимиз жуда кўп қизим.  
Насиҳат деб қабул қиласан,  
Айтаётган мана шу сўзим.

Шундай менинг насиҳатгўйим,  
Бир ажойиб бувам бор менинг.  
Эркалади, лекин самимий,  
Бегуборим бувим бор менинг.

Шукроналар айтаман яна,  
Шундай менинг яқинларим бор!

\*\*\*

Қиш күнлари узоқ бұларкан,  
Хаёл олиб қочаркан йироқ.  
Ҳатто туннинг ўтиши қийин,  
Тонг отгунча вужудим титроқ.

Согинаман бувижонимни,  
Күкси узра қўйгим келар бош.  
Узук-юлуқ булатлар ичра,  
Ўз жамолин кўрсатар қуёш.

Аста-секин мўралайди қор,  
Аёз бобо ихлоси баланд.  
Қор устида яна бир бора,  
Қолиб кетди хаёл орзуманд.

Совуқ, ҳатто этим жимиirlар,  
Аста қўлга оламан қалам.  
Қоғоз билан бўлганда ўртоқ,  
Дилда қолмас ҳаттоки алам.

Қиш күнлари узоқ бұларкан,  
Хаёл олиб қочаркан йироқ.  
Ҳатто туннинг ўтиши қийин,  
Тонг отгунча вужудим титроқ,

• • •

Изгирин қиши кунида,  
Аста чиқдим ҳовлига.  
Эти жунжуккан итим,  
Ачиндим мен ҳолига.

Секин боқдим осмонга,  
Сира қор ҳам тутамас.  
Ёки аёз бобомиз,  
Қуёш нурин истамас.

Совуқ еган қушларни,  
Күриб роса үйладим.  
Айвон чорлаб уларни,  
Нон ва дон-ла сийладим.

## БОЙЧЕЧАГИМ

Баҳор келса келганинг учун,  
Мен баҳорни суяр эдимда.  
Қуёш, ойдек кулганинг учун,  
Ажиб ҳисни туяр эдимда.

Бойчечагим чаккамга тақай,  
Гулбаргларинг суйиб эркалаб.  
Оппоқ қишини ўтказдим мана,  
Кеча-кундуз бир сени ўйлаб.

Онанг дала, отанг қир-адир,  
Қўкси узра қўя қолгин бош.  
Яна майли бир йил кутаман,  
Келишингта тўқмайин кўзёш.

Элчи бўлиб келишинг учун,  
Она ер ҳам багрини очар.  
Қизгалдогим сенинг опангми?  
Худди сенга қўйгандек ўхшар.

Баҳор келса келганинг учун,  
Бойчечагим, сени согиндим,

## УКАЖОНИМ ТОҲИРБЕККА

Орзулари осмондек улут,  
Келажаги буюк карвоним.  
Ота-онам ишончисан сен,  
Ортта боқма, эй укажоним.

Интилишиңг сенга қўшқанот,  
Керак сенинг одам бўлишиңг.  
Асли ҳамма инсонку дерсан,  
Истамаймиз ниқоб кийишиңг.

Эркалигинг ортда қолдириб,  
Ҳаёт сари ташлагин қадам.  
Инсон учун энг катта омад,  
Интилишдир, интилиш ҳар дам.

Онажоним суянган тоги,  
Умидлари сенданда қатта.  
Дадажоним ишончини сен,  
Оқлагайсан ҳали албатта.

Дўст-душманинг кимлигини бил,  
Ота – онам яқин инсонинг.  
Сенга улкан толе тилайман,  
Деб тутатар сўз опажонинг.

## МУНДАРИЖА

Ўзбек қизи.....	3
Истиқолол фарзандлари.....	4
Ўзбекистоним.....	5
Сўнгти қўнгироқ.....	6
Мустақиллик.....	7
Яккабогим.....	8
Улгаяман юртим бағрида.....	9
Илтижо.....	10
Мактабим.....	10
Ватаним бағрингда.....	11
Лайлак қор.....	12
Онажон.....	12
Совға.....	13
Илк устозим.....	14
Қиши кунлари узоқ бўларкан.....	15
Изгирин қиши кунида.....	16
Бойчечагим.....	17
Укажоним Тоҳирбекка.....	18

1600 сұм.

## АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

Фарангиз ҮКТАМОВА

### БОЙЧЕЧАГИМ

#### Шеърлар

Мұҳаррир:	Ю.Зиёдов
Техник мұҳаррир:	Ч.Раҳмонов.
Мусағых:	Ю.Зиёдов
Сақыфаловчи:	Ш.Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АI 139, 27.04.2009 йил. Теришга 2.07.2013 йилда берилди. Босиша 16.08.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Baltica TAD гарнитураси. Оффсет қоғози. Оффсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 1,05. Нашр босма табоги 0,044. 95-2013-шартнома. 50-буюртма. 100 нұсхада. 20 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоқкүчаси, 22-үй.

---

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоқкүчаси,  
22-үй.